

«Аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA



• 2007-yil • 13-sentabr • Payshanba • 113 (27.758) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон Қаҳрамонлари



## БАХТ — МЕҲНАТДА

Кўксини баланд кўтариб, юзларидан сурур балкиб турган мана бу ҳамюртимиз танияспизми? У ўзининг ҳалол, фидокорона меҳнати, чинакам инсонийлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги, ишга ва бурча бўлган масъулияти, сadoқати билан эл-юртда хурмат қозонган инсон.

Давлат ва халқ олдидagi улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳалардаги узoқ йиллик фидокорона меҳнати учун Мустақиллигимизнинг шонли 16 йиллиги тантаналари олдидан Президентимиз Фармони билан Сайдали Раҳмонов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали билан тақдирланди.

«арқон»ни, 12,2 миллион сўмлик 43 тонна мойлаш материалларини, 5,8 миллион сўмлик 130 киловатт соат электр қувватини тежашга эришди олди... Утган йили белгиланган режасини 104 фоизга уddалади. Санoат эҳтиёжи учун ўта зарур бўлган мис бойитиш фабрикасига қўшимча 250 минг тонна руда (тоғ жинслари) етказиб берди. Агар ана шу рудадан 975 тонна соф мис ахратиб олинишини кўз олдимишга келтирсак, Сайдали Раҳмоновнинг мамлакат бойлигини оширишга қўшаётган залворли ҳиссасини ерқин тасаввур қила оласиз...

ганидан кейин ҳам замонавий экскаваторларни ишлашни тобора мукамал эгаллаш иштиқида бўлди. Кўксак интизомлилик, топқирлик ва янгиликка интилиш, фидойилик Сайдали Раҳмоновни Қалмоққир қонининг етакчи мутахассисларидан бири даражасига кўтарди... Бехитиёр хулоса қилсан, киши: ана шуларнинг ўзиёқ инсон ва инсоний гузаллики бутун кўлами билан белгилочки мезонлар эмасми?! Халқона айтганда, «Бахт — меҳнатда» — деганлари шу-да.

Замон АЛИ Суратларда: Ўзбекистон Қаҳрамони Сайдали Раҳмонов; қонда иш қизғин. Еркoбoй ВОТИРoВ олган суратлар.

## ЎзХДП: устувор вазифалар

# СИЁСИЙ МАСЪУЛИЯТ

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ИЗЧИЛ ҲИМОЯ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик тузилмалари, матбуот нашрларининг ташкилий-сиёсий тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик тузилмалари, матбуот нашрларининг ташкилий-сиёсий тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган шарт. Йиғилишда Республикаимиз Президентининг маърузасини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича Ўзбекистон ХДПнинг ташкилий-сиёсий тадбирлари дастури муҳокама этилди. Дастурда аввало, Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик тузилмалари, нашрлари ҳамда ҳар бир аъзосида мамлакат ва унинг атрофида бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси, фуқаролик масъулиятини ошириш вазифаси белгиланди.



Иккинчидан, ЎзХДПдан сайланган Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия сайланма органлари аъзолари, фаоллар иштирокида оммавий-сиёсий тадбирлар, семинарлар ташкил этиш орқали Ўзбекистонимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини электорат вакиллари, кенг жамоатчилик ўртасида ўрганишни ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу биринчи галда, партия депутатлик гуруҳлари фаоллиги ва ташаббускорлигини жиддий оширишни талаб этади. Партиянинг Марказий Кенгашидан тортиб то бошланғич ташкилотларигача бўлган бўғинларда мафкураравий, ташкилий-сиёсий ишларни тубдан яхшилаш, ижтимоий-сиёсий фаолият

2-бет



Россия Федерацияси пойтахтида ўтказилаётган йигирманчи халқаро Москва китоб кўргазма-ярмаркасида жаҳоннинг эллика яқин мамлакатидан икки мингдан зиёд нашриёт қатнашмоқда. Умуманан кўргазмалар марказининг 40 минг квадрат метр соҳнини эгаллаган ушбу халқаро китоб кўргазма-ярмаркасидан Ўзбекистон пешлавларни ҳам жой олган.

## ЎЗБЕК НОШИРЛАРИНИНГ ХОРИЖДАГИ ЭЪТИРОФИ

Анъанага кўра, тадбирнинг дастлабки кунлари МДХ иштирокчи давлатларининг «Китоб санъати» халқаро танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбек ноширларининг махсуслотлари ҳам муносиб равишда намойиш этилди. Нуфузли халқаро ҳакамлар ҳайъатининг «Менинг юртим» ҳамда «Хамдустликда нашр этилган» йўналишлари бўйича биринчи даражали дипломига «Маънавият» нашриятининг «Қарши — 2700» рангли фотоальбому ва «Чўпон» нашриёт-босма иккунчи даражали дипломига «Арт-китоб» йўналиши бўйича учинчи даражали диплом эса «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан chop этилган икки жилдлик «Ўзбек фото санъати 125 ёшда» китоби учун берилди.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА мухбири, Москва

## ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

ТОШКЕНТДА 17-19 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ III ХАЛҚАРО ЎЗБЕКISTON ПАХТА ЯРМАРКАСИ ВА IV ХАЛҚАРО ПАХТА ВА Тўқимачилик КОНФЕРЕНЦИЯСИ Бўлиб ўтади



Ушбу халқаро тадбирлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотларнинг яна бир самараси бўлиб, деҳқонларимиз етиштирган пахта толасини жаҳон бозорига олиб чиқишни янада такомиллаштириш, чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратди. Ямаркада ва конференцияда дунёнинг етакчи пахта истеъмолчилари, мутахассислар, олимлар ва экспертлар Ўзбекистон пахтачилигидаги сўнгги ютуқлар, хомашёни етиштириш, қайта

ишлаш ва экспорт қилиш жараёни билан яқиндан танишадилар. Жаҳон пахтачилигидаги ўзгаришлар, янги анъана ва тенденциялар юзасидан фикр алмашадилар. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Виктор Дьячковнинг айтишича, мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимининг такомиллаштирилиши экспорт қилинаётган тала сифатини ошириш имконини бермоқда. Пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлашнинг янги тизими жорий этилди. Пахта сотишининг замонавий инфратузилмаси — барча хизмат турларига эга, толали омборларда сифатли сақлаш ва ташини таъминлайдиган минтақавий терминаллар барпо этилди. Юртимизда мазкур икки халқаро анжуманининг оқори савияда ўтишини таъминлаш учун

пuxта тайёрларлик кўрилмоқда. Жумладан, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги қатор пахта заводларида янги терилган пахтадан қайта ишлаш бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш санoати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қароридан мамлакатимиздаги қирқдан зиёд корхона қайта таъмирлаш кўзда тутилган. Жорий йилда Тошкент, Бўжоро, Хоразм, Навоий ва бошқа вилоятларда қайта таъмирланган етти корхона ишга туширилди. Ямарка ва конференция иштирокчилари учун Ўзбек пахтачилиги сифат хусусиятлари, пахта етиштириш, сотиш ва логистика соҳасидаги сўнгги янгиликлар билан танишиш имконияти яратилди. Пахта тозалаш заводлари, терминаллар ва фермер хўжаликлари фаолияти билан танишиш ямарка иштирокчиларининг ушбу махсуслотни етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасида тасаввурларини янада бойитди. «Ўзэкспомарказ»да очиладиغان селекция навлари кўргазмасида меҳмонлар жорий йил ҳосилининг илк намуналари билан ҳам танишишлари мумкин. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази билан ҳамкорликда ярмарка иштирокчиларига олий сифатли Ўзбек пахта олиш намуналарини намойиш этади. Тошкентда ўтажак халқаро ярмарка ва конференция пахта экспорт қилиш борасида мамлакатимизнинг ва ҳамкорларимизнинг манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни топиш ҳамда ривожлантириш, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатилга хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят муסיқали драма театрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Анъанавий давом этаётган мазкур кўрик-танловга қизиқиш йилдан-йилга ортмоқда. Бу йил танловга 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 1300 нафардан ортиқ ёш йигит-қизлардан аризалар қабул қилинган эди. Ана шулардан 38 нафари етти номинация бўйича ўтказилган танловда республика финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. — «Бадий ижод» номинацияси бўйича 1-ўринни эгалладим, — дейди «Денов АТР» телевидениеси мухбири Жамшид Номозов. — Келажакда журналист бўлмоқчиман. Биз ёшларга шундай шароит яратиб берилганидан жуда хурсандимиз. Келгусида мента билдирилган бу ишончли оқлашни ўз бурчим, деб биламан...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.









Кадрият

# НОННИНГ УВОҒИ ҲАМ НОН

УНИ ИСРОФ ҚИЛИШ ЭСА ГУНОҲИ АЗИМДИР

Қариб ярим асрдирки, умумий овқатланиш тизимида ишлаб келаман. Айни пайтда Жиззах шаҳридаги «Сайёра Соавт» хусусий фирмасига қарашли ошхона эгасиман. Ҳар кун ошхонамизга юзлаб кишилар келиб овқатланишади. Уларга кўнглидагидай хизмат кўрсатишга бахолой қудрат қилаяпмиз.



Халқимизда қандай мақсадда бўлмасин дастурхон ёзилса, унга аввало энг азиз неъмат нон қўйилади. Уси ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Шу боис ҳам нонни эъозлаш, уни исроф қилмаслик юксак кадрият ҳисобланади. Аммо хохласан-хохламасан, хизмат юзасидан кунига стол усти-ю, дастурхонлардан анча-мунча ортган нон ва нон бўлақларини йиғиб олишимизга тўғри келади. Очига, айрим ошхона ва чойхоналарда ортиб қолган нон бўлақларини хатто молга бериш ёки ташлаб юбориш ҳолатлари ҳам учрайди. Бу билан улар исрофгарчиликка, гуноҳи азимга қўл уратганини биладиларми ёки билса ҳам атайин қилдиларми, билмадим.


Биз эса йиғиб олинган нон бўлақларини тоза жойда қуриштириб, қотан нон — «сухар» ҳолига келтирамиз ва шу йўл билан уларни қайта истеъмолга чиқарамиз. Бундан ҳам ортиб қолган тақдирда талқон қилиниб, яна дастурхонга тортилади. Шу тариқа ҳар қандай шароитда нонни, унинг ушогини, увогини ҳам исроф қилмаслик чора-тадбирларини кўрамиз. Ошхонамизда тўй-ҳашам, тад-

бирлар ҳам тез-тез бўлиб туради. Уларда исрофгарчиликдан тийилиш, кўпроқ тежамли йиш тутишга ҳаракат қилаяпмиз. Ахир, қоп-қоп ундан нон ёпиб, меҳмонлар шарафига худда-беҳудда нон ушатишлар, кейин эса ейилмасдан қолган нон бўлақларини йиғиштириб олишларга, энг асосийси азиз неъмат нонни увол қилишга не ҳожа?

Ўзбек оиласида азалдан исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳар нарсанинг уволи тутиши, сўнгра унга зор бўлиши ўқтирилади. Оиламизда ҳам шундай. Беҳуда дабдабозлик бўлмагани, исрофгарчиликка йўл қўйилмагани тўғрисида рўзгоримиз ҳамма бут. Отам бизга уруш йиллари, одамлар очарчилик, қаҳатчилик, бир бурда зогора нонга зор бўлган даврлар ҳақида бот-бот гапириб берардилар. Ҳар гал дастурхон ёнига ўтирар эканлар, бир бўлак нонни кўзларига суртиб, «Шу кунларга етказганига шукр, ободчилик замонидан яшайсиз-

лар. Бунинг қадрига етинг. Энг аввало, нонни исроф қилманг. Бир бурда нонга етолмаганлар қанча. Шунки қулоқларингга қўйиб олинглар, нон барча неъматларнинг сўлтони, унинг ушогини ҳам исроф қилманглар, увол бўлади» дердилар. Бугун мен ҳам ота, бобо сифатида болаларимга, невараларимга, қолаверса, ўзим билан бирга ишлаётган ёшларга ана шу ўғитларни бот-бот айтиб, эслатиб тураман. Шу ўринда бир тақлифни айтмоқчиман. Назаримда, ҳар бир ота-она оиласида шундай иш турса, шу қоидага қатъий амал қилса ва нонни, унинг увогини ҳам эъозлаш зарурлиги ҳақида панд насихатлар қилишдан эринмаса, аввало фарзандларнинг ризку насибаси бутун, рўзгори тўкин, турмушлари фаровон бўлишига ҳисса қўшган бўларди.

**Шавакк СОАТОВ,**  
**Жиззах шаҳри**




## ИСТЕЪФОГА ЧИҚМОҚДА



Япония бош вазири Синдзо Абэ ўз партияси раҳбариятига истеъфого кетишини маълум қилган. Бунинг маълумотидаги ҳукмрон Либерал-демократик партиянинг бош қотиби Таро Асо ҳам тасдиқлади. Айтиш кераки, бош вазиар агар Американинг Афғонистондаги ҳарбийларини қўлаб-қувватлашга қаратилган Япония мададини давом эттириш ҳақидаги қонун лойиҳасини ўтказса олмаса истеъфого кетишини айтганди. Жорий йил июлида парламент сайловларида ғолиб чиққан муҳолифат ушбу қонун лойиҳасига қарши чиқмоқда. Боз устига Абэ ҳукуматининг аъзолари қатор можазоларга аралашиб қолишган. Чунинчи ақнида қишлоқ хўжалиги вазири порохурликда айбланганлиги боис истеъфого кетди. Ҳолбуки у бор-йўғи бир ҳафта ишлаганди...

## ЖАБРАНЛАНГАРГА МУНОСАБАТ

АҚШда 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатлари оқибатларини тугатиш чоғида жабр кўрганларга нисбатан бўлаётган муносабат теварагидаги мунозаралар сайловолди пойгаси мавзусига айланиб кетди. Президентлик лавозимига даввогар бўлган Хиллари Клинтон ўз рақиб Руди Жулиани шаънига нисбатан айблов билан чиқди. Унинг таъкидлашича, ўша вақтда Нью-Йорк шаҳри ҳокими бўлган Жулиани Жаҳон савдо марказидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этиш билан шуғулланган кишиларни ҳимоя этиш тўғрисида асло қайғурмаган. Бунинг оқибатида улар турли касалликларга чалинган. Ҳозирга қадар бу одамлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, уларга молиявий ёрдам кўрсатилмапти. Маммурилар бошқа қўлаб жабрланганларни ҳануз террорчилик жабрдийдалари деб эътироф этаётгани йўқ. Гап бу ерда 2001 йил 11 сентябрь қўрбонлари ҳақида бормоқда, улар Жаҳон савдо маркази вайронларини тозалаш ишларида қатнашиб, захарли ҳаво таъсиридан зарарланиб, бетеб бўлишган ёки вафот этишган.



Жабрланганлар 11 сентябрдан кейин захарли булутдан ҳеч қандай ҳимоялашга эга бўлмаганликлари учун Руди Жулианини айбдор деб ҳисоблашмоқда. Боз устига тиббий суғурта кўнглини ёрдамчиларга эмас, балки муниципал хизматчилар учун тааллуқдир. Ўт ўчирувчилар Жулианини саккиз йиллик ҳокимлик давомидан ўт ўчирувчилар ва полиция учун радиостанцияларни сотиб олганликда ҳам айбланишмоқда. Бу Жаҳон савдо марказида 332 нафар ўт ўчирувчи ҳаётининг зомин бўлишига олиб келганди. Шунки айтиш кераки, жабрланганларнинг сони ҳамон номольумлигича қолмоқда. Лекин «Moont Sinai» тиббиёт марказининг аниқлашича, вайронларни тозалашда қатнашганларнинг 70 фоизидан ўпка хасталиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Нью-Йорк шаҳрининг амалдаги ҳокими Майкл Блумберг салкам 400 минг киши жабр кўрганлигини таъкидламоқда. Лекин шаҳар жорий йил бошидан уларга тиббий ёрдам кўрсатишга киришган...

## НАРХ-НАВО ЎСМОҚДА

Хитойда нарх-навонинг ўсиш суръатлари охириги ўн йиллик мобайнида энг юқори даражага кўтарилган. 2006 йил августдан 2007 йил августгача бўлган даврда мамлакатда пулнинг қадричилиши олти ярим фоизни ташкил этди. Фақат июль ойида бу кўрсаткич бироз паст — бор-йўғи 5,6 фоиз бўлган. Мамлакатда айниқса гуштининг қимматлашиб бораётганлиги кузатишмоқда, у бирданига 49 фоизга ошган. Шунингдек, бир йил мобайнида тухумнинг нархи 23,6 фоизга, сабзавотники эса 22,5 фоизга кўтарилган. Нооziк-овкат моллари эса бир йилда атиги 0,9 фоизга ошган. Хитой Марказий банкнинг пулнинг қадричилишига қарши кўраётган чора-тадбирлари бесамар кетмоқда.

**Жаҳон оммавий ахборот воситалари манбалари асосида Алишер РЎЗИЕВ тўйради.**

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объектнинг номи	Қурилиш муддати
1.	Нарпай тумани Иттифоқ ш/х, Дидан қишлоғида «Йул қурилиши ва автосервис» йўналишидаги 540 ўқувчи ўринли касб-хунар коллежи қурилиши	11,5 ой
2.	Нуробод тумани, Жом қишлоғида «Педагогика» йўналишидаги 540/100 ўқувчи ўринли касб-хунар коллежи қурилиши	11,5 ой
3.	Тайлоқ тумани, Жумабозор қўрғонида «Иқтисодий ва сервис» йўналишидаги 720 ўқувчи ўринли касб-хунар коллежи қурилиши	11,5 ой
4.	Булунғур тумани, Навоий маҳалласида «АПК қишлоқ хўжалиги ва сервис» йўналишидаги 540 ўқувчи ўринли касб-хунар коллежи қурилиши	11,2 ой
5.	Пастдарғом тумани, Нормуродов (ҚФИ) маҳалласида «Хизмат соҳаси ва сервис» йўналишидаги 540 ўқувчи ўринли касб-хунар коллежи қурилиши	11,5 ой
6.	Ургут тумани (Кулқишлоқ, Санчикўл) қишлоқларида «Компьютер технологияси» йўналишидаги 540 ўқувчи ўринли касб-хунар коллежи қурилиши	11,5 ой

**Қурилиш ишлари** — Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи манзили:** Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: 8 (366) 235-82-86.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг камидан 20 фоиз миқдоридеги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, иш-

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел.: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини соати-гача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2007 йил 7 сентябрдаги №22-07.05-5987 сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «Алвон ЛТД» МЧЖ қошидаги шўъба корхонасини тугатишга доир иш юритиш бошланди ва тугатиш бошқарувчиси вазифасига Илчанов Азамат тайинланди. Шу муносабат билан кредиторлик талаблари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида тугатиш бошқарувчиси томонидан эълонда кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Кредиторларнинг навбатдаги йиғилиши 2007 йил 25 сентябрь кунини соат 11.00 да бошланади. Кредиторлик талаблари ва кредиторлар йиғилиши Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, А.Баҳодирхон кўчаси, 178-А уйда ўтказилади.

## Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

### Ўзбекистон Республикаси МХХ ДЧХҚҚ 9784-ҳарбий қисми

«Ўзбекистон Республикаси МХХ ДЧХҚҚнинг Жиззах вилояти Равот а.п.даги алоҳида отлик базаси отхонасини капитал таъмирлаш» объекти бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Қурилиш ишларини тугаллаш муддати** — 2007 йил 15 декабргача.  
**Буюртмачи манзили:** Жиззах вилояти, Равот а.п.  
Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, мудофаа объектларини қуриш учун лицензияга ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.**  
**Бир тўплама танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.**

Тақлифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатигача.

**Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқоридеги манзилда ўтказилади.**

## Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ОБЪЕКТЛАР НОМИ:**  
**ЛОТ №1**

- 1.1. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Юқори-қишлоқ қишлоғидаги 42-сонли;
- 1.2. Тошлоқ тумани, Дашт қишлоғидаги 43-сонли;
- 1.3. Тошлоқ тумани, Қорақуноқ қишлоғидаги 27-сонли умумтаълим мактабларини мукамал реконструкциялаш «ҚМИ»га

**ЛОТ №2**

- 2.1. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Бўстон қишлоғидаги 34-сонли;
- 2.2. Езёвон тумани, Эшонтўпи қишлоғидаги 12-сонли;
- 2.3. Риштон тумани, Қаволат қишлоғидаги 23-сонли умумтаълим мактабларини мукамал реконструкциялаш «ҚМИ»га

**Қурилиш муддати — 01.08.2008 й.**

**Манзил:** Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-24-33, 224-75-43.

Умумий қурилиш ишлари бюджетдан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш ва умумтаъ-

лим мактабларини таъмирлаш ишларида энг камидан 2 йиллик иш тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камидан 20% миқдоридеги айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламанинг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда оферталарни очилиш кунини ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқоридеги манзилда ўтказилади.

## Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ «ЗАРАФШОН» САНАТОРИЙСИ

Қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича  
ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ГА ҚАРАШЛИ «ЗАРАФШОН» САНАТОРИЙСИДАГИ 28 ЎРИНЛИ ДАВОЛАШ ЁТОҚХОНАСИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ.**

**Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.**

**Қурилиш ишлари — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи манзили:** Самарқанд шаҳри, Лехоз қўрғони, 59-уй, телефон: 235-54-07.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камидан 20 фоиз миқдоридеги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муо-

мала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел.: 233-32-00, факс: 231-13-51**

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламанинг қиймати — 60 000 сўм.**

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатигача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Лехоз қўрғони, 59-уйда, «Зарафшон» санаторийси биносидан соат 16.00 да ўтказилади.



Мулоҳаза

Эрталаб ишга келиб, хонамга киришим билан телефон жингилди. Столга етдим, гўшакни олдим. — Салом, ошна! Ишлар қандай? — деган хаяжонли овозни эшитдим. — Салом... — Кулогим остидан жаранглаётган ўқтам овоз

ичида энг абжири ҳам, довураги, қўрқмаси ҳам шу Ботир эди. У «Дўнг кўча-ю, паст кўча» болаларининг мушталлавларида чинкиб, полвон бўлиб етиди. Кейинроқ савдонинг тилини ўрганди. Тижоратчи бўлиб кетди. Телефон болалик дўстимнинг узоқ-узоқлардан келаётган

миз? Ибтидоий қабиличилик замонларидан илашиб кетаётган бу иллатдан қандоқ қилсақ, қутиламиз?.. Уттан асрининг бошиданок миллат маърифатарварлари — Бехбудий, Авлоний, Фитратлар айнаи шундай иллатларга қарши бонг урган эдилар. Орадан юз йил ўтди. Ҳамон майда-чуйда иллатлар оёғимиздан тортқилишига ўзимиз йўл қўйиб берармиз. Урф деймиз, шундай

Шуям гап бўлдики? Бундай ҳолатда узоқдаги қариндошингни топиб олгандай шодланмайсанми? Унинг сен билан томири бир, тили бир, қони бир-ку! Сенга уқанг қилмаган яхшиликни балки у қилиши мумкин-ку! Бировни қўллаб-қувватламоқчи бўлсақ ҳам баъзан унинг иқтидори ва даражасидан олдин «ўзимиздан» эканлиги билан қизиқамиз. Нима, бошқа ўзбеклар «ўзимиздан» эмасми?

ЎЗБЕКЛИКДА ЎЗЛИК БОР, ЎЗБЕКЧИЛИКДА ЭСА...

соҳибни ким эканлигини тусмоллаб топишга уриндим. Бироқ... — Танимадингиз-а? — маломат оҳангидега тегарди овоз. — Танигандай бўлаётман-у... — Э, бор-е, «танигандай бўлаётман» эмиш. Мен Ботирман-ку, жўра! Болаликдан бирга ўйнаб ўсган қадрдон дўстимнинг чеҳраси кўз ўнгимга келди. — Э-э, қаерлардасан, ошна? — Новосибирскдан. Бир йилдан ошди, шу ерларда бизнес қилиб юрибман.

қадрдон овозини кулогимга етказарди: — Ижод қандай? Булаёптими? Китобларинг чиқаяптими? — Ҳа-а, энди... Бир нималарни қоралаб юрибман... — Ез, ошна, ёзавер. Бўш келма. Менинг ишларим ҳам ёмонмас, кучайиб бораётган. Икковимиз «Паст кўча»га «Дўнг кўча»нинг болалари ким эканлигини кўрсатиб қўйишимиз керак.

бўлиши керак, деймиз. Аслида шундай бўлиши керакми? Тўғри, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайинчилик азалдан бор нарсас. Аммо бу нарсалар миллат тараққиётига тўсиқ бўлмасдан, ақисина кўмак бериши керак-ку! «Менинг қариндошим», «менинг уруғим» деган тушунчалар самимиятга ва адолатга хизмат қилмасдан, кўзбўямачилик ва адолатсизликка хизмат қилса, нима бўлади? Арасту айтгандай: «Афлотун менинг дўстим, бироқ ҳақиқат ундан қимматлироқдир».

Ботир билан бир қишлоқда катта бўлганмиз. Бир синфда ўқидик. Бунинг устига ҳамсоя эдик. Болалигимиз бирга ўтди. Уша пайтларда қишлоғимиз икки қисмдан иборат бўлиб, қишлоқнинг биз яшайдиган юқори қисми «Дўнг кўча», дарё томондаги қуйи қисми эса «Паст кўча» деб аталарди. Уртадан оқиб ўтадиган анҳор қишлоқни иккига бўлиб турарди. Орадаги кўприк икки томонни боғларди. Мактабимиз қишлоғимизнинг адоғида жойлашган эди. «Дўнг кўча» болалари мактабга бориш учун албатта «Паст кўча»дан ўтар эдилар. Ҳар куни мактабга бориб келиш «мина майдонини кесиб ўтиш» билан баробар эди. Худонинг берган қуни жанжал бўларди. «Паст кўча»нинг болалари бизни пистирмада кутиб олдилар. Бизнинг «кўча»миз болалари

Дўстимнинг охири гапларини эшита туриб... мени тоқ ургандай бўлди. Ҳазиллашаётгандир деб ўйладим-да, атай сўрадим: — Нима дединг, яхши эшитилмай қолди... Ошнама телефондан қичқирарди: — «Паст кўча»га «Дўнг кўча»нинг кучини кўрсатиб қўйишимиз керак, деяпман... Йўқ, ошнама ҳазиллашмаган эди, кўнглидагини айтаётган эди. Юрагимга нимадир санчилгандек бўлди. Уйлашиб қолдим. Нахотки, орадан шунча йил ўтиб, ҳамон ўша «Дўнг кўча-ю паст кўча»га нимандир кўрсатиб қўйишни ўйлаб юрган бўлсам...

Мамлакатимизнинг жанубий туманларидан бирида бўлганмида, бир гурунда шу ердан етишиб чиқаётган иқтидорли бола ҳақида гапирдим: — Хали ўзи 9-синфда ўқир экан. Шунга қарамай, республикада шохмот буйича ўтказилаётган мусобақаларда юқори ўринларни эгаллабди. Машхур шохмотчиларимизнинг назарига тушибди. Мамлакатимизнинг чека қишлоқларидан ҳам шундай истеъдодлар чиқаяпти. Бу ўғлон билан фахрлансаларингиз арзийди, — десам, даврада ҳамма гапларга бепарво бўлиб ўтирган ўрта яшар бир одам томдан тараша тушгандай гап ташлади: — Қайси урудан экан? — Билмадим. Сўраганим

Кеча Европада ҳам, Осиёда ҳам катта футбол байрами бўлиб ўтди. Европаликлар қитъа чемпионати саралаш ўйинларини ўтказишган бўлса, ҳамюртларимиз қатори бошқа жамоалар ҳам Пекин олимпиадасининг ҳал қилувчи саралаш баҳсида наватдаги учрашувда майдонга тушишди. Вакилларимиз гуруҳдаги биринчи ўйинни сафарда Жанубий Корея футболчилари билан ўтказишди, мағлубиятга учиради. Иккинчи учрашувда ўзбекистонликлар Самарқандда Сурия Олимпия терма жамоасини қабул қилиб дуранг (0:0) натижа қайд этилганди. Бу гап эса футболчиларимиз баҳрайликларга қарши майдонга тушишди. Айтиши керакки, бу ўйинда мамлакатимиз футболчилари албатта, ғалаба қозониши шарт эди. Негаки, йўлланма битта. Гуруҳда энг кўп очко тўплаган жамоа шу йўлланмани қўлга киритади. Кези келганда бир гапни айтиб ўтиш керак. Ҳар бир жамоага кучли рақиб, деб қараб, шунга яраша тайёргарлик кўриш лозим.

Хуллас, кеча баҳрайликлар билан Тошкентда ўтказилган учрашув ҳар жиҳатдан муҳим эди. Барчамиз ана шу ўйинда ҳамюртларимиз ғалабасига умид боғлаб тургандик. Бироқ хаяжонли кечган учрашув меҳмонлар ғалабаси билан тугади — 1:2.

Равашон ШОДИЕВ.

Футбол

ЎЗБЕКИСТОН — БАҲРАЙН — 1:2

Кеча Европада ҳам, Осиёда ҳам катта футбол байрами бўлиб ўтди. Европаликлар қитъа чемпионати саралаш ўйинларини ўтказишган бўлса, ҳамюртларимиз қатори бошқа жамоалар ҳам Пекин олимпиадасининг ҳал қилувчи саралаш баҳсида наватдаги учрашувда майдонга тушишди. Вакилларимиз гуруҳдаги биринчи ўйинни сафарда Жанубий Корея футболчилари билан ўтказишди, мағлубиятга учиради. Иккинчи учрашувда ўзбекистонликлар Самарқандда Сурия Олимпия терма жамоасини қабул қилиб дуранг (0:0) натижа қайд этилганди. Бу гап эса футболчиларимиз баҳрайликларга қарши майдонга тушишди. Айтиши керакки, бу ўйинда мамлакатимиз футболчилари албатта, ғалаба қозониши шарт эди. Негаки, йўлланма битта. Гуруҳда энг кўп очко тўплаган жамоа шу йўлланмани қўлга киритади. Кези келганда бир гапни айтиб ўтиш керак. Ҳар бир жамоага кучли рақиб, деб қараб, шунга яраша тайёргарлик кўриш лозим.

Интер-спорт

РОНАЛДО ОЁҚҚА ТУРАРМИКАН?



Италия Олимпия кўмитаси вакиллари «Милан» клуби тўпураги, бразилиялик янчалик Роналдонинг жароҳатини даволаш йўлида шифокорлар турли чоралар кўришаётганини маълум қилди. Допингга қарши хизмат вакиллари

эса жаҳон чемпионатининг энг яхши тўпураги ман этилган гивандлик усулида даволанаётганини айтишмоқда. Роналдо ҳозир Бразилияда миллий терма жамоа шифокори Хосе Луиш Рунко назоратида даволанапти. Шифокорнинг айтишича, у футболчини «устририш омили» усулида даволашга киришган. Эслатамиз, Роналдо шу йилнинг 31 июль кунини мавсумида тайёрларлиги пайтида жароҳат олган эди. Италия клуби шифокорлари аввалга нотўғри таъхис қўйиб, вақтни ўтказиб юборишган. Шундан кейин, Бельгия шифокорасида аниқ таъхис қўйилган, Роналдо шахсий даволовчи шифокор маслаҳати билан Бразилияда оёққа туришни ният қилган.

ХИТОЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Германиянинг Штутгарт шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати якунланди. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган Хитой терма жамоаси бешта олтин, иккита қумуш ва битта бронза медали тўплаб,

умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга кўтарилди. Америкалик гимнастикачилар тўртта олтин, иккита қумуш ва бронза медали билан иккинчи ўринни эгаллашди. Сахиз жамоа, шу жумладан Россия спортчилари ҳам биттадан ол-

тин медали бўлишди. Мусобақада иштирок этган ҳамюртимиз Антон Фокин ҳам қуруқ қайтмайдиган бўлди. У брусъяда бажарган машқлари бўйича 16,200 балл тўплаб, жаҳон чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига! САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2008 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: Table with 3 columns: №, Объект номи ва манзили, Қурилиш муддати

Тендерная комиссия ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ» объявляет тендер №11 НА ПРИОБРЕТЕНИЕ ЦЕЛЬНОКАТАНЫХ КОЛЕС РУ 950 СТУПИЦА 175 В КОЛИЧЕСТВЕ 5 000 ШТУК С ПОСТАВКОЙ СОГЛАСНО ГРАФИКА (4 КВАРТАЛ 2007 ГОДА И 1 КВАРТАЛ 2008 ГОДА). За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йуллари», Управление «Темирйуленилгитамин», комната 410. Тел.: 138-84-72, 138-86-34. Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.

Table listing various sections and their page numbers: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Turobjon JO'RAYEV, Feruz NAZIROV, Murodulla ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Norqobil JALIL, Abdurasul JUMAQU, Muslihiiddin MUHIDDINOV, Nomoz SA'DULLAYEV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Ma'naviyat va ma'rif, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Huquq, Ekologiya va salomatlik, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY, e-mail: info@uzbekistonovozi.uz, Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan, Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq, Gazeta sahnbha, payshanba va shaaba kunlari choiqadi, O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi, 8101 nusxada bosildi, T - Tijorat materiallari, O'za yakuni - 21.00, Topshirilgan vaqti - 23.50, 1 2 3 4 6, Satovda erkin narxda